



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Бухоро шаҳар

2022 йил 16 декабрь

4-2001-2201/3201-сонли иш

Бухоро туманлараро иқтисодий судининг судьяси А.Сафаровнинг раислигида, Қ.Қўзиёваннинг котибалигида, аризачининг вакили А.Тоҳиров (ишончномага асосан) иштирокида, аризачи Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекциясининг, жавобгар "Shaxrizoda Mubina Risolatpari" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган ишни Бухоро юридик техникуми биносида биносида очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгар "Shaxrizoda Mubina Risolatpari" масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда матнда "жавобгар" деб юритилади) солиқ органига 2022 йил солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаган. Шу сабабли Бухоро шаҳар давлат солиқ инспекцияси (кейинги ўринларда матнда "аризачи" деб юритилади)нинг қарори билан жавобгарнинг ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари ўн кунга тўхтатилган. Жавобгар томонидан ҳисоботлар тақдим этилмаганлиги сабабли аризачи иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш сўраган.

Аризачининг вакили ҳозирги кунга қадар жавобгар ҳисоботларни тақдим этмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлсада, жавобгарнинг вакили суд мажлисида иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига асосан суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд, ишни жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишдаги барча ҳужжатларни ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (кейинги ўринларда матнда "СК" деб юритилади) 273-моддасининг биринчи қисмига асосан солиқ тўловчилар, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган



жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнанинг йигирманчи кундан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари лозимлиги белгилаб қўйилган бўлсада, жавобгар томонидан белгиланган муддатда 2022 йил учун солиқ бўйича ҳисобот солиқ органига тақдим этилмаган.

СК 82-моддасининг биринчи қисмига кўра солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

СК 111-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда қўлланилади.

Суд, жавобгар томонидан 2022 йил солиқ бўйича ҳисоботи солиқ органига топширилмаганлигини, 2022 йил солиқ органи томонидан юборилган хабарнома жавобсиз қолдирилганлиги сабабли арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим топди.

“Давлат божи тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар — ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини ва иш электрон шакллантирилганлигини инобатга олиб, суд давлат божи ва почта харажатини жавобгардан ундирмасликни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси, Иқтисодий процессуал кодексининг 176, 222-моддаларини қўллаб суд,

қарор қилди:

Арз қилинган талаб қаноатлантирилсин.

Жавобгар "Shaxrizoda Mubina Risolatpari" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялар (фукаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасининг биринчи қисмига асосан жавобгар 2022 йил учун солиқ ҳисоботи тақдим этилгунга қадар тўхтатиб турилсин.

Ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришга сабаб бўлган аризалар жавобгар "Shaxrizoda Mubina Risolatpari" масъулияти чекланган жамияти томонидан тўлиқ бартараф этилгандан сўнг, давлат солиқ хизмати органининг



тақдим этиладиган ёзма кўрсатма (қарор) асосида хизмат кўрсатувчи банк томонидан ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали ўн кунлик муддат ичида Бухоро вилоят судига апелляция шикояти (протест) бериши мумкин.

Судья

А.Сафаров

